



# **МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА**

**“2017 йил – Халқ билан мулоқот ва  
инсон манфаатлари йили”га  
бағишланган иқтидорли талаба-  
ёшларнинг  
I илмий-амалий конференцияси  
материаллари  
ТЎПЛАМИ**

**2017 йил 20 май**

**Тошкент**

## ЃЎЗАНИНГ ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ БИОЛОГИК КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АХАМИЯТИ

Магистр: **О.С.Хўжақулова** (ТДАУ)  
Илмий раҳбар: **Н.С.Хайтбаева** (ТДАУ)

Пахтачилик Ўзбекистон кишлок хўжалигининг асосий йўналишидир. Барқарор пахта ҳосили олишда асосий тўсиқлардан бири ғўза касалликларидир. Ғўза 100 дан кўпроқ касалликлар билан зарарланади, жумладан замбуруг касалликлари - 70 тадан кўпроқ, нематода касалликлари - 9 та, вируслар ва фитоплазмалар - 18 та касаллик; бактериялар - 3 та касалликни келтириб чиқариши аниқланган. Улардан ташқари ғўзада абиотик факторлар кўзгатадиган 30 тадан кўпроқ ноинфекцион касалликлар қайд этилган.

Бу касалликларнинг энг хавфлиларидан бири фузариоз илдиз чириш касаллиги ҳисобланади. Фузариоз илдиз чириш касаллигини асосан *Fusarium oxysporum* тури келтириб чиқаради. Бу замбуругларнинг инфекция манбаи уруғ, тупроқ ва бегона ўтларнинг қолдиқлари ҳисобланади. Фузариоз илдиз чириш касаллиги туфайли ғўзанинг униб чиқиш даврида уруғнинг униб чиқмасдан чириб кетиши ва униб чиққан қўчатларнинг илдизи ва илдиз бўғзи чириши натижасида ниҳол сонини камайтириб зарар етказади. Шунинг учун ҳам бу касалликка қарши кураш асосан уруғларга фунгицидлар билан ишлов беришдан бошланади. Бугунги кунда ўсимлик касалликларига қарши курашда замонавий, экологик тоза, иқтисодий самарали қарши кураш чораларидан бири бўлган биологик қарши кураш чораларини қўллаш, ҳар томонлама самарали кураш чораларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда ғўзанинг фузариоз илдиз чириш касаллигига қарши биологик препаратлардан Триходермин, Фитобиосол, Фитолавин препаратларини уруғ унвчанлигига таъсири ўрганилди.

Тадқиқотларимиз давомида фузариоз илдиз чириш касаллигини келтириб чиқарувчи *Fusarium oxysporum* замбуругидан инфекция фон ҳосил қилиш учун, замбуруг суюқ Чапек озуқа муҳитида 15 кун давомида ўстирилди. 15 кундан кейин замбуруг бутун озуқани устини қоплаб ўсади, кейин филтр коғоз ёрдамида замбуруг мицелийси ажратиб олинади. Тувакчадаги 1 кг тупроққа, замбуруг мицелисидан 0,1 гр дан аралаштирилиб инфекция фон ҳосил қилинади. Ҳар бир тувакчага 5 тадан жами 12 та тувакчага 60 та уруғга биологик препаратлар билан ишлов бериб экилди, 4 та тувакка назорат варианты сувга ивитилган уруғлар экилди. Биологик препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида униб чиққан ўсимликларни санаб ўртача ҳисоблаб чиқилди.

1-жадвал

**Ѓўза чигитининг унвчанлигига биологик уруғдорилагичларнинг самарадорлиги**

№	Вариантлар	Экилган уруғлар сони	Униб чиққан уруғлар, сони	Униб чиқмаган уруғлар, сони	Униб чиқмаган % да	Биологик самарадорлик
1	Назорат	20	14	6	30%	-
2	Триходермин	20	18	2	10%	90
3	Фитобиосол	20	17	3	15%	85
4	Фитолавин	20	16	4	20%	80

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики Триходермин биопрепарати билан ишлов берилиб экилган жами 20 та уруғдан 18 таси униб чиққан ва биологик самарадорлик 90% ни ташкил қилади.

Фитобиосол биопрепарати билан ишлов берилиб экилган жами 20 та уруғдан 17 таси униб чиққанлиги аниқланди ва биологик самарадорлик 85 % ни ташкил этади.

Фитолавин препарати билан ишлов берилиб экилган жами 20 та уруғдан 16 таси униб чиққанлиги аниқланди ва биологик самарадорлик 80%ни ташкил этади.

Назорат вариантыда бу кўрсаткич униб чиққан уруғлар 14 тани ташкил этади ҳалос.

Бу тажрибадан кўришимиз мумкинки Триходермин, Фитобиосол, Фитолавин препаратлари билан уруғларга ишлов бериш Ғўзада фузариоз касаллигига қарши яхши самара беради.

### Фойдаланган адабиётлар

1. Билай В.И. Фузариоз. Киев: Наукова думка. 1977. 439 с.
2. Лихачев А.Н., Сале М. Патогенность исходных и резистентных к фунгицидам штаммов *Botrytis cineriapers.*: FR // Микология и фитопатология. 1991. Т. 25. Вып. С. 240-245.
3. Шералиев А.Ш. ва бош. Қишлоқ хўжалик фитопатологияси. Тошкент -2008. 9-196
4. Шералиев А., Азимджанов И. Фитотоксические свойства грибов рода *Fusarium Lk.ex Fr.*, поражающих шелковицу в Узбекистане (на украинском языке)// Микробиологический журнал. 1977.Т.39. Вып. 5. С. 668-669.

\*\*\*\*\*

## ДОРИВОР ИССОПЎСИМЛИГИНИ ҲОМ-АШЁСИФАТИДА ЕТИШТИРИШ

Магистр: **Ғ.Ш.Жумабоев** (ТДАУ)  
Илмий раҳбар: **Э.Т.Ахмедов** (ТДАУ)

**Доривор иссоп** (*Hyssopus officinalis*) Лабгулдошлар (*Labiatae*) оиласига мансуб хушбўй хидли кўп йиллик ўт ёки чала бўта ўсимлик бўлиб, пояси тик ўсувчи 50-60 см гача етади, поялари қисми шохланган, майин тукчалар билан қопланган. Барги ланцетсимон ёки чўзиқ, уч томони ўткир, асоси кенг понасимон. Гуллари новдачалар ва пояларининг уч қисмида жойлашган. Уруги узунчоқ тўқ кўнгир рангли. У июл-сентябр ойларида гуллайди, уруги октябр-ноябр ойларида тўлик пишиб етилади.



Расм 1. *Hyssopus officinalis* L

Табиий ҳолда ўсимлик асосан шарқий ва гарбий Европа, Шимолий Африка, шарқий Осиё, Россия мамлакатларида тарқалган. Ҳозирги вақтда шимолий Америка ва Европа ва Россия давлатларида кенг ўстирилмоқда. Ўсимлик Республикаимизнинг тоғли туманларида, тоғ ёнбағирларида турли хил тупроқ шароитларига ва иқлимга мослашган ҳолда ўсади. Айниқса, чириндига бой кўнгир ва қора тупроқли ерларда, майда шағалли жойларда, дарахт ва буталар орасида очик майдонларда кўпроқ тарқалган.

Илмий таъботда иссоп ўсимлигининг доривор хусусиятлари олдиндан маълум бўлиб, унинг ер устки қисмларини турли касалликларни, йўтал, бронхит, ларингит, стаматит касалликларини даволашда асосий восита сифатида фойдаланиб келинган.

Маҳаллий халқ тайёрланган тиндирма ва дамламада уйқусизликка қарши, танадаги доғларни йўқотишда, пешоб хайдашда, шунингдек, астма, невроз, ревматизм хасталигини даволашда ишлатилади.

Республика илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан олиб борилган тажрибаларда ижобий натижалар қайд этилган. Олимларнинг таъкидлашларича, доривор иссоп ўсимлигининг дамламаси юқори нафас олиш органлари касалликларини даволашда самарали натижа беради.

Ҳозирги пайтда доривор иссоп юқори нафас олиш органлари касалликларини даволашда ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган йиғмалар ва фиточойлар таркибига киритилган.

Доривор иссоп ҳиди жуда ёқимли, шу боисдан уни зиравор сифатида турли таомларни тайёрлашда ишлатилади. Ундан ҳар хил консервалар тайёрлашда, бодринг, қарам ва помидор тузлашда ҳамда мевалардан тайёрланган компот ва қиёмларга ёқимли ҳид беришда фойдаланиш мумкин. Унинг таркибида 0,33% эфир мойи органик кислоталар, минерал тузлар, флавоноидлар, микроэлементлар, С витамини ва А провитамини мавжуд.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Демак, ўлкаимиздаги шифобахш ўтлардан нафақат дори-дармон сифатида фойдаланиш, балки шифобахш ичимликлар ишлаб чиқариш учун ҳам имкониятлар яратилди.

Табиатда доривор иссоп ўсимлигининг захиралари қисман чегараланган. Шунинг учун республикаимиздаги ихтисослашган Давлат ўрмон хўжаликларида бу ўсимликни экин сифатида етиштиришни йўлга қўйиш лозим. Доривор иссоп асосан уругидан кўпаяди. Кенг майдонларда плантация ташкил қилиш учун, сентябр ойи охирида тайёрланган уруг, кеч қузда, олдиндан шудгорлаб, ариқ олиб, тайёрлаб қўйилган майдонларга сепаб чиқилади. Бир гектарга 7-10 кг уруг сарфланади. Дала ховлилардаги кичик майдонларга кўчат етиштириб экиб кўпайтириш мумкин.

Доривор иссоп кўп йиллик ўсимлик бўлганлиги сабабли, барпо этилган плантациялардан бир неча йил давомида фойдаланилади. Ўсимликнинг хом-ашёси ер устки қисми ҳисобланади. Хом-ашё асосан қийгос гуллаш даврида, яъни, биологик актив моддалар миқдори кўпайган пайтда ўниб олинади. Ўриб олинган маҳсулот соя жойда қуритилади ва матодан ёки қоздан тайёрланган қопларга солиниб сақланади. Сақлаш муддати-2 йилдан ошмаслиги лозим.

Шундай қилиб, Республикаимизда фармацевтика, парфюмерия ва озиқ овқат саноати соҳаси бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарни нафақат иссоп ўсимлиги хом-ашёси билан, балки бошқа доривор

Ўсимликлар билан эҳтиёжларини қондириш учун Ўзбекистонда барча имкониятлари мавжуд ва буни йўлга қўйиш ҳар бир мутахассиснинг асосий мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади.

#### Адабиётлар

1. Холматов Х.Х., Қосимов А.И. Доривор ўсимликлар. Тошкент, Ибн Сино, 1994. -368 б.
2. Мурдахоев Ю.М. «Культура лекарственных растений в Узбекистане». Т.: «Абу Али ибн Сино», 1999йил. 200 бет.
3. Эргашев А., Аҳмедов Ў, Абзалов А, Юлчиева М “Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси” фанидан амалий машғулотлар. Тошкент, Дарслик, 2009. 176 бет.

\*\*\*\*\*

### ПАХТА ТОЛАСИ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Талаба: Э.Бердимуродов (ТДАУ)

Илмий раҳбар: Х.Б.Шаумаров (ТДАУ)

Дунё микёсида гўза ўсимлиги асосан толаси учун экиб келинади. Пахтани қайта ишлаш жараёнида ундан тола, чигит ва линт ишлаб чиқилади. Бу маҳсулотлар қундалик ҳаётимизда, саноатда, медицинада ва техник мақсадларда кенг фойдаланилади.

Пахта энг арзон ва кенг тарқалган маҳсулот ҳисобланади. Ҳар йили бутун дунёда тайёрланадиган барча тўқимачилик толаларининг қарийб ярмини пахта толаси ташкил қилади. Пахтани қайта ишлаб (тозалаб), тола (30-40 %), чигит (60-70 %) ва момик олинади. Чигит таркибда эса 22-28 % гача мой бўлади.

Бир тонна чигитли пахтадан 350-380 кг тола, 550-570 кг чигит, 50-120 кг момик олинади. Бир килограмм толадан 5 м газлама ёки 140 та галтак ип ишлаб чиқарилади. Бир гектар эрда етиштирилган пахтадан ўртача ҳосилдорлик 30 сентнер бўлганда шунча маҳсулотдан 7-8,5 минг метр газлама, 270 кг пахта мойи, 730 кг кунжара, 47 кг совун, 108 кг момик, 240 кг чигит ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Гўза фақат пахта хом ашёси олиш учунгина экилади. Гўза экиладиган ҳудудларнинг ялпи газлаштирилиши туфайли қишлоқ жойларда гўзапоянинг ёқилги сифатида ишлатилиши илгариги аҳамиятини йўқотмоқда. Ундан қурилиш материаллари олиш учун гўза поясини қайта ишлаш қисман йўлга қўйилмоқда.

Пахта хом ашёсидан ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот пахта толаси ҳисобланади. Шунинг учун дунёда пахта толасининг сифати бўйича классификацияланади.

Ўзбекистонда пахтани толасининг сифати бўйича классификациялаш системаси қабул қилинган.

Ҳозирги вақтда толани классификациялаш усули типларга (вертикал классификациялаш) ва саноат навларига (горизонтал классификациялаш) бўлишни назарда тутди. Шунга кўра пахта толасининг сифати бўйича айрим тип ва саноат навларига ажратилади.

Амалдаги меъёрларга кўра тола тарам массивий узунлиги, нисбий узилиш кучи ва чизикли зичлиги бўйича 9 та типга бўлинади.

Тола чигит қобигидаги ташқи эпидермиснинг бўйига чўзилган айрим ҳужайрасидан иборатдир. Бинобарин, ҳар бир тола фақат битта ҳужайрадир.

Уруқкуртадаги ташқи эпидермиснинг толага айланадиган ҳужайрасини актив ҳужайра дейилади. Айрим ҳужайралар кеч бўртиб, секин ўсади ва линтер пахтага (момикқа) айланиб қолади.

Тола 25-30 кунгача батомом бўйига ўсиб, қолган 25-30 кунда эса пишиб етилади.

Тола деворчалари дастлабки даврда кутикула билан қопланган бўлиб, иккинчи этапида клетчатка қавати билан спирал-фибрил шаклида қоплана бошлайди, қалинлашади.

Тола пишиб етилгач, чигит ва кўсак билан бирга қурийдди, ҳужайра шираси бугланиб кетади, тола буралиб спиралга ўхшаб қолади

Яхши етилмаган ёки хом толалар қуриганда буралиш даражаси кучсиз ва нотекис бўлади ёки бутунлай бўлмайди. Буралиши мутлоқ бўлмаган толалар тўқимачилик саноатида ўлик тола деб аталади. Деворчалари хаддан ташқари ривожланган толалар ҳам сифатсиз толаларга киритилади.

Кўпчилик гўза шаклларида тола ранги оқ бўлади, аммо оқ сарғиш, малла, яшилсимон, пуштисимон ва қўнғир толали гўзалар ҳам бор. Толанинг қуйидаги технологик кўрсаткичлари характерлидир.

**Узунлиги.** Толанинг икки учи оралигидаги масофа бўлиб, мм билан ўлчанади. Бу кўрсаткич ўрта толали гўза навларида ўртача 31-36 мм, узун (ингичка) толали гўза навларида 38-42 мм га тенгдир.

Модал вазн узунлиги - намунада кўпроқ учрайдиган бир хил толалар узунлиги, мм.

Штапел вазн узунлиги - модал узунликдан юқори бўлган барча толаларнинг ўртача вазн узунлигидир, мм.

Узилиш кучи - битта толани чўзганда узиш учун сарф бўлган кучдир. Бу кўрсаткич гк (граммкуч) ёки сн(сантиньютон) кўрсаткичи билан ўлчанади. Узилиш кучи ўрта толали гўза навларида 4,3-4,9 гк га, узун толалиларда 4,6-5,2 гк га тенгдир.

**Микронейр кўрсаткичи**- асбобларда маълум вазнли тола намунаси орқали ҳаво оқими босимининг пасайиши билан аниқланади. Бу кўрсаткич толанинг ингичкалигини ва пишиб етилганлигини кўрсатади, микрограммининг дюмга нисбатини ифодалайди. Лекин кўрсаткич турли навлар учун турлича бўлади. Тахминан чизикли зичликни олиш учун микронейр кўрсаткичини 39,37 гк га кўпайтириш керак.

**МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ СЎЗИ</b> <i>Б.А.Сулаймонов</i>	3
--	---

**1-ШЎБА**  
**ЁШЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ ҲАМДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА**  
**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ**

<b>ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ</b> <i>М.Жўраева, Ф.Р.Умарова</i>	4
<b>ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ</b> <i>Х.Т.Уразалиев, Ш.Б.Кимсанбаева</i>	5
<b>ТОЛИБИ ИЛМ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ</b> <i>Ж.О.Аминбоев, Р.Д.Дусмуратов</i>	7
<b>ЭРТАНГИ КҮН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ</b> <i>М.Ж.Жўраева, Ф.А.Ашурова</i>	9
<b>ЁШЛАРДА МУСТАҲКАМ ЭЪТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА “АВЕСТО”ДАГИ</b> <b>ГОЯЛАРНИНГ ЎРНИ</b> <i>М.Умматова, М.Э.Абдураимова</i>	11
<b>MAFKURAVIY IMMUNITET TIZIMINING ASOSIY UNSURLARI</b> <i>M.I.Zoirova, O.A.Ostonov</i>	12
<b>ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ</b> <b>ТУТГАН ЎРНИ</b> <i>М.Б.Эшмурзаева, О.А.Остонов</i>	14
<b>СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ- ЮРТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА</b> <i>Ў.А. Абдуллаев, З.К.Кушаров</i>	15
<b>МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА</b> <b>АКС ЭТИШИ</b> <i>Ю.Т.Очилова, О.А.Остонов</i>	17
<b>ЁШЛАРДА ГОЯВИЙ-СИЁСИЙ ВА БАТАНПАРВАРЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ</b> <b>– ДАВР ТАЛАБИ</b> <i>Ф.Д.Хаитов, Д.Р.Кенжаева</i>	18
<b>YOSHLAR DUNYOQARASHI SHAKLLANISHIDA MILLIY TARBIYANING ANAMIYATI</b> <i>Z.S.Dustmurodova, O.A.Ostonov</i>	20
<b>МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ АҲАМИЯТИ</b> <i>М.М.Матазова, О.А.Остонов</i>	21
<b>КОМИЛ ИНСОН ГОЯСИ –ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИ</b> <i>З.Ҳ.Носирова, О.Н.Носиров</i>	23
<b>МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА – МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ</b> <b>АСОСИЙ ОМИЛ</b> <i>И.Р.Қодирова, О.А.Остонов</i>	24
<b>ШАҲС МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ОИЛА ВА МАҲАЛАНИНГ ЎРНИ</b> <i>Э.И.Ашуров, И.А.Суванов</i>	25
<b>УЛУЧШЕНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ЗАЛОГ РАЗВИТИЯ ВЕТЕРИНАРНОЙ СЛУЖБЫ</b> <i>Р.Рашитов, М.М.Сафаров</i>	28
<b>МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ</b> <b>ВА УНИ КўПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ</b> <i>Н.Б.Алиқулова, Б.Ю.Менгликулов</i>	29
<b>ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН БИЗНЕС РЕЖА ТУЗИШ МАСАЛАЛАРИ</b> <i>Х.Х.Тухтабоев, Б.Ю.Менгликулов</i>	31
<b>АКТУАЛЬНОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ПРОГРАММИРОВАНИЯ В СИСТЕМЕ НЕПРЕРЫВНОГО</b> <b>ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН</b> <i>Д.Н.Джамалядинова, А.А.Абдукадилов</i>	33
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТНИНГ</b> <b>АҲАМИЯТИ</b> <i>Д.Мадуллаев, Ў.Орипжонова</i>	34
<b>O'QUV JARAYONIGA ZAMONAVIY INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH</b> <i>D.I. Ismoilova, A.A. Ismatullayev</i>	36
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН</b> <b>ФАОЛИЯТ СТРАТЕГИЯСИ</b> <i>Ж.Қ.Азатхужаева, Н.А.Алиева</i>	37

<b>ТУКЛИ ЭРВА</b> <i>Д.Бозорова, Э.Ахмедов</i>	189
<b>ТУРЛИЧА ҚАТОР ОРАЛИГИ ВА СУҒОРИШ РЕЖИМИДА ҒЎЗАНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ</b> <i>М.Б. Хўжсаназарова, З.А. Артуқметов</i>	189
<b>ИССИҚХОНАЛАРДА ГИДРОПОНИКА УСУЛИДА ПОМИДОР КЎЧАТИНИ ТАЙЁРЛАШ</b> <i>Ж.М. Абдираимов, З.Т. Абдиев</i>	191
<b>JIZZAX VILOYAT TOG'OLDI ( BO'Z TUPROQLI ) HUDUDLARDA MOYCHESNAK EKIB O'STIRISHNING BIOEKOLOGIK ASOSLARI</b> <i>Q.O. Ziyadullayev, D.A. Imotova</i>	192
<b>ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРДАН ФЙДАЛАНИБ ПИЛЛАГА ДАСТЛАПКИ ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АВЗАЛЛИГИНИ АСОСЛАШ</b> <i>Д.И. Абдунабиев, А.Вахидов</i>	194
<b>СОЯ ЎСИМЛИГИДА ҲОСИЛ ШАКЛЛАНИШИНИ ЭКИШ МЕЪЁРИГА БОГЛИКЛИГИ</b> <i>Норбутаева Б, Х Н.Атабаева</i>	195
<b>ҒЎЗАНИНГ ФУЗАРИОЗ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ БИОЛОГИК КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АХАМИЯТИ</b> <i>О.С.Хўжақулова, Н.С.Хайтбаева</i>	197
<b>ДОРИВОР ИССОП ЎСИМЛИГИНИ ҲОМ-АШЁСИ СИФАТИДА ЕТИШТИРИШ</b> <i>Ғ.Ш.Жўмабоев, Э.Т.Ахмедов</i>	198
<b>ПАХТА ТОЛАСИ ВА УНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ</b> <i>Э.Бердимуродов, Х.Б.Шаумаров</i>	199
<b>КАРТОШКАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАМУНАЛАРИ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ</b> <i>Ф.А.Нурмаматов, С.И.Дусмуратова</i>	201
<b>СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИНИ СУГОРИШ ТАРТИБЛАРИ</b> <i>Х.Аминов, У.Норқулов</i>	204
<b>ВЛИЯНИЕ УСЛОВИЙ ПИТАНИЯ НА РАЗВИТИЕ КОРНЕВОЙ СИСТЕМЫ, ЗАКЛАДКУ РЕПРОДУКТИВНЫХ ПОЧЕК И КАЧЕСТВО УРОЖАЯ</b> <i>А.А. Фарходов, Н.Ш.Енилеев</i>	206
<b>SENNA- ДОРИВОР ЎСИМЛИГИНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЕТИШТИРИШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ</b> <i>Р.Муродов, Ф.Х.Қулдашева</i>	209
<b>СУВНИНГ ТОЗАЛИГИ ВА ТАҚЧИЛЛИГИ ДОЛЗАРЪ МУАММО СИФАТИДА</b> <i>М.Х.Расулов, Т.Н.Халмуродов</i>	211
<b>ЭКСТРАКТЫ РАСТЕНИЙ И ИХ РОСТРЕГУЛИРУЮЩАЯ АКТИВНОСТЬ</b> <i>Н.К.Хидирова, Ф.Ш.Тошпўлатов</i>	212
<b>ЯПОН СОФОРАСИНИНГ БИОЛОГИК, ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ КЎПАЙТИРИШ</b> <i>Н.А.Сапаева, А.Кайимов</i>	214
<b>ҚИШКИ-БАҲОРГИ МАВСУМДА ИССИҚХОНАДА СЕРХОСИЛ ШИРИН ҚАЛАМПИР НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРНИ ЭКИШ</b> <i>А.Б.Элмуродов, З.Т.Абдиев</i>	215
<b>ДОРИВОР ИССОП – NYSSOPUS OFFICINALIS L.НИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> <i>Ғ.Ш.Жўмабоев, Э.Т.Ахмедов</i>	216
<b>DARAHT VA BUTALAR KOMPOZITSIYASINI ISHLAB CHIQISH</b> <i>N.Sapayeva, M.Z.Xolmurotov</i>	218
<b>ОЗОНЛАШ ОРҚАЛИ МЕВА ВА САБЗАВОТЛАРНИ САҚЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ</b> <i>С.С.Тураев, М.Ибрагимов</i>	219
<b>XANDON PISTANI URUG'IDAN KO'RAYTIRISH TEXNOLOGIYASI</b> <i>M.Sh.Toshpo'latova, M.Z.Xolmurotov</i>	221

### 3-ШЎБА

#### ЗООТЕХНИЯ, ВЕТЕРИНАРИЯ, ПИЛЛАЧИЛИК, БАЛИҚЧИЛИК ВА АСАЛАРИЧИЛИКДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР. АГРОИНЖЕНЕРИЯДА ЭНЕРГИЯ ВА РЕСУРСТЕЖАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

<b>LACTO BACTERIA – PROVIDE THE HEALTH OF HUMAN AND ANIMALS</b> <i>D.Omonov, D.Vahidova</i>	223
<b>СЕРПУШТ ДЕКАЛЬ КРОССИ ТОВУҚЛАРИНИНГ ТУХУМ МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА УНИНГ СИФАТИ</b> <i>Ш.Хамзаева, Ф.Джасимов</i>	224
<b>КОРАМОЛЛАРНИ ТЕЙЛЕРИОЗДАН ДАВОЛАШДА БУПАРВАЛЕКНИНГ САМАРАДОРЛИГИ</b> <i>Т.А.Тошпўлатов, Д.С.Вохидова</i>	226